

Олий маҳадда «Қуръон мусобақаси - 2021» кўрик танлови ўтказилди



10:59 / 15.12.2021 1857

Кеча 14 декабрь куни Тошкент ислом институтида Таҳфизул Қуръон кафедраси томонидан Олий маъҳад талабалари ўртасида «Қуръон мусобақаси - 2021» кўрик танлови ўтказилди. Тадбирни ТИИ ректори **Уйғун домла Ғафуров** кириш сўзи билан очиб берди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қуръони Карим ва тажвидни ўргатиш бўлими мудирини **шайх Алижон қори Ҳайдаров** иштирок этувчи қори талабаларга мусобақада муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати мудирини **Муҳаммад Аюбхон домла Ҳомидов** мусобақа хайрли ва баракали бўлишини ҳамда устозлар, қорилар ва иштирокчилар ҳаққига дуолар қилиб бердилар.

Ушбу Қуръон мусобақаси иштирокчиларининг қироатларини баҳолаб бориш учун институтнинг Таҳфизул Қуръон кафедраси мудири ҳамда ўқитувчилари томонидан ҳайъат аъзолари тузилди.

Мусобақа икки босқичда **мураттаб ва мужаввид** йўналишида бўлиб ўтди. Ҳакамлар қориларнинг **ҳифз, савт, тараннум ва тажвид** бўйича илм ва маҳоратларига баҳо қўйиб бордилар.

Мусобақа якунига кўра қуйидаги натижалар қайд этилди.

Мураттаб қорилар бўйича:

1-ўрин: Оятуллоҳ қори Абдуқодиров, 3-курс талабаси.

2-ўрин: Аҳмадилло қори Ғофуржонов, 4-курс талабаси.

3-ўрин: Сирожиддин қори Шодмонов, 4-курс талабасига насиб этди.

Мужаввид қорилар бўйича:

1-ўрин: Маҳмуджон қори Ашуров, 1-курс талабаси.

2-ўрин: Мадумаржон қори Маҳмадҷонов, 1-курс талабаси.

3-ўрин: Фозилжон қори Акрамов, 3-курс талабаси муносиб кўрилди.

Ғолибларга эсдалик совғалар ва дипломлар топширилди.

Қуръон мусобақаси Тошкент ислом институтининг ижтимоий тармоқлари ва «Qur'on TV» илмий-маърифий онлайн телеканалининг ижтимоий саҳифаларида тўғридан-тўғри узатиб берилди.